

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

ЗАРИПОВ ФАЙЗИДДИН МУХИТДИНОВИЧ

ЎҚУВЧИЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ВА ЖИНОЯТЧИЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Зарипов Файзиддин Мухитдинович

Ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик
профилактикасининг механизмларини такомиллаштириш..... 3

Зарипов Файзиддин Мухитдинович

Совершенствование механизмов профилактики правонарушений и
преступности среди учащихся..... 23

Zaripov Fayziddin Muxitdinovich

Questions of improvement of prevention of offenses and crime among
students..... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

ЗАРИПОВ ФАЙЗИДДИН МУХИТДИНОВИЧ

ЎҚУВЧИЛАР ЎРТАСИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ВА ЖИНОЯТЧИЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped499 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси – www.tdpu.uz ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали – www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Ҳакимова Махаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Қуронов Муҳаммаджон Қуронович
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 5 август соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишнинг мумкин (1417 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2021 йил 25 07 да тарқатилди.

(2021 йил 25 июль да 14 рақамли реестр баённомаси)



Б.С.Абдуллаева
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.С.Исенов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

Н.А.Муслимов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятида таълим жараёни субъектлари фаолиятини ҳуқуқий ёндашувлар асосида жиноятчиликни олдини олишга қаратилган профилактик ишларнинг компаратив тадқиқи, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий хулқ-атворга синергетик-социодинамик методлар орқали ёндашув масалалари таълим жараёнига татбиқ этилган. БМТда минтақалар ва алоҳида давлатларда девиация ҳолатининг кучайиши натижасида ўқувчилар орасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада профилактик моделларни такомиллаштириш чора-тадбирлари олиб борилмоқда.

Жаҳонда таълим муассасаларида ўқувчиларга таъсир этаётган маънавий хатарларнинг олдини олиш, улар орасида криминал хатти-ҳаракат, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг содир бўлишини камайтириш, гуманизм, толерантлик, ижтимоий интеллектни ривожлантириш, ўзаро муносабатда ҳурмат, кенгфёшлик, кечиримлилик, сабр, оқибат туйғуларини кучайтириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга педагогик профилактика ва педагогик коррекция механизмларини ишлаб чиқиш, жамият томонидан белгиланган ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш, жамият манфаатлари билан боғлиқ ёндашувларни ўрганиш, ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасининг механизмларини такомиллаштириш бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда ёшларни ижтимоий муносабатлар томон йўллаш натижасида уларни шахс ва субъект сифатида шаклланиши, ақлий ривожланиши, тарбияланганлик даражасининг ўсиши, жамият томонидан белгиланган хулқ нормаларига риоя қилиши, табиий имкониятларини рўёбга чиқариши, ижтимоий тажриба орттириш имкониятларини кенгайтиришнинг меъёрий омиллари яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш каби устувор вазифалар белгилаб берилди¹. Натижада жиноятчиликни индивидуал тарзда олдини олиш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида содир бўлаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш педагогик-психологик тизимини такомиллаштиришга катта имкониятлар яратилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – 6-сон. – 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармони, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон, “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон, “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 9 январдаги ПҚ-5618-сон қарорлари, шунингдек, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган долзарб вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, миллий кадриятлар, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ўсмир ва ўспирин ёшидаги таҳсил олувчиларнинг тарбияланганлик даражасини баҳолаш ва хулқидаги нуқсонларни коррекциялаш масалалари Ш.Абдуллаева, Э.Абзалов, А.Агзамхўжаев, А.Азизхўжаев, Ю.Асадов, С.Абдуҳолиқов, Ҳ.Бобоев, И.Зокиров, З.Исломов, Н.Исмоилов, А.Ирисалиев, Ҳ.Йўлдошев, В.Каримова, Ҳ.Маматов, Ш.Мардонов, О.Мусурмонова, Ҳ.Одилқориев, Ҳ.Омонов, А.Пардаев, М.Рустамбаев, А.Саидов, Н.Сабуров, У.Тожиҳонов, С.Усмонов, Т.Худайберганова, Э.Ғозиев, М.Қуронов каби республикаимизнинг педагог, психолог ва ҳуқуқшунос олимлари томонидан тадқиқ этилган.

К.В.Арановский, Я.М.Бельсон, О.Н.Ведерникова, М.А.Крутоголов, А.И.Ковлер, М.Н.Марченко, Е.А.Певцова, С.В.Татаринцева, Ю.В.Тихонравов, Н.М.Юрашевичларнинг илмий изланишларида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва криминоген хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, талабаларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш маданияти, инглиз-саксон ҳуқуқий тартибот органларида ёшлар билан ишлаш тизими, турли мамлакатларда конституциявий ҳуқуқларда инсон омилининг акс эттирилиши ва қиёсий таҳлили, кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини шакллантириш масалалари тадқиқ этилган.

Н.Abraham, J.Agreto, J.Auerbach, S.Bailey ва бошқаларнинг тадқиқотларида фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш, болалар ва аёллар ҳуқуқий маданиятини ўстириш масалалари ўрганилган; E.Blankenbunrg, P.Dominick, D.Brody, G.Edward,

A.Ehrenzweig, T.Eliot, D.Farrington, G.Gilmore, S.Holland, H.Mannheim, M.Chandra, G.Schubert, S.Silbay, F.Sarat, W.Johnson илмий изланишларида жиноятчиликни олдини олишга қаратилган бир неча мамлакатларнинг профилактик ишларининг компаратив тадқиқи, ҳуқуқий маданият назарияси, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий хулқ-атворга синергетик-социодинамик ёндашув масалалари ўз ифодасини топган.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик технологиялари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади. ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасининг механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари илмий-педагогик, социологик, фалсафий, тарихий, криминология манбаларини қиёсий-типологик таҳлил қилиш асосида ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасининг шарт-шароитлари ва механизмларини такомиллаштириш;

умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган ҳуқуқий таълим-тарбия жараёнининг мазмун-моҳиятини педагогик, психологик жиҳатдан такомиллаштириш шарт-шароитларини аниқлаш;

ўқувчилар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилиги профилактикаси моделини такомиллаштириш;

ўқувчилар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилиги профилактикасига йўналтирилган диагностик методикани такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикасини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент, Сирдарё, Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларининг 1718 нафар умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари жалб этилди.

Тадқиқот предмети ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикасини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларнинг ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикаси имкониятларининг диагностик, коррекцион, реабилитацион йўналишлари ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар билан ижтимоий-педагогик ҳамкорлик ҳамда педагогик коррекция усуллари якка тартибда ишлаш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикаси диагностика методи Республика таълим маркази, Психологик-педагогик Республика ташхис маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими

вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими муассасаларининг ёшлар етакчилари, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича бошланғич ташкилотлари, психологлар ишларини билиш, баҳолаш, рефлексия, интериоризация, қарор, реакция, мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш компонентлари уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

ўқув муассасасидан ташқарида вужудга келадиган нуқсонлар Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги Жамоат Кенгаши механизмини кучайтиришдан иборат профилактик тадбирлар мажмуасида шахснинг салбий хусусиятларини бартараф қилишга қаратилган педагогик таъсир воситалари таркиби (лойиҳа, суҳбат, саёҳат, намойиш қилиш, махсус курслар, китобхонлик кўникмаларини ривожлантириш) туркумланган;

вояга етмаган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчи хулқидаги ёлғончилик, сурбетлик, жанжалкашлик, агрессивлик каби асосий нуқсонлар диагностикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, таълим муассасаси фаолиятида профилактик ишларни такомиллаштиришнинг ижтимоий-педагогик тизими коллаборатив ҳамкорлик асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикасини такомиллаштиришга доир ёндашувлар (диагностика, коррекция, профилактика, реабилитация) мазмуни аниқлаштирилган;

ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикаси муаллифлик ёндашуви асосида педагогик талқин этилган ва педагогика фани ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишга оид қарашлар, ёндашувлар, назариялар билан бойитилган, шунингдек, умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш мазмуни, шакллари, воситалари, усул ва методлари, дидактик модели ишлаб чиқилиб, улардан таълим жараёнида фойдаланилган;

ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикасига йўналтирилган диагностик методикани такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўқитувчилар ва ота-оналар учун умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикасига мўлжалланган тавсиялар ишлаб чиқилган, амалиётга татбиқ этилган, уларнинг самарадорлик даражаси белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган илмий-педагогик ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани; кенгайтирилган таҳлиллар учун тадқиқот мақсади, предмети ҳамда педагогик вазифалар моҳиятига мувофиқ тадқиқот методларининг танланганлиги, тажриба-синов ишларига жалб этилган ўқувчилар сонининг талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов ишларининг статистик

маълумотларга таяниш имконияти ва математик-статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги, олинган натижаларнинг аниқ методлар ёрдамида текширилганлиги, тўпланган материалларнинг диссертация мазмунини ёритишга имкон берадиган ҳажмда эканлиги, олинган натижалар давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, педагогика фани ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишга оид қарашлар, ёндашувлар, назариялар билан бойитилган, шунингдек, умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилигининг профилактикаси мазмуни, шакллари, воситалари, усул ва методлари, дидактик модели замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, мавжуд педагогик профилактикани жамиятдаги туб ўзгаришлар жараёнига мақсадли йўналтириш ва унинг самарадорлик даражасини оширишга эришилган ҳамда билдирилган тавсия ва таклифлардан ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари, ота-оналар, маҳалла фаоллари, ҳуқуқ-тартибот органларининг вояга етмаганлар билан ишлаш мутасадди идоралари фаолиятини такомиллаштиришда самарали фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилигининг профилактикаси бўйича ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар асосида:

ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилигининг профилактикаси имкониятлари, диагностик методикалар “Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик технологиялари” мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга ошириш жараёнида оммалаштирилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 20 августдаги 05-05/02-01-541-сонли маълумотномаси). Натижада, ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилигининг профилактикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия мазмуни ва педагогик профилактика технологияларини танлаш самарадорлигини оширишга эришилган;

ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка мойил ўқувчиларни аниқлаш механизмларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг “Умумий ўрта таълим муассасасининг ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 28 майдаги 131-сонли, “Умумий ўрта таълим муассасаларида ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар билан яқка тартибда шуғулланишни ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 6 февралдаги 33-сонли буйруқларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 20 августдаги 05-05/02-01-541-сон ҳамда 2020 йил 6 июлдаги

06-06/4-2231-сон маълумотномалари). Натижада, ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасининг шарт-шароитлари ва механизмлари такомиллаштиришган;

“Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни аниқлаш механизмларини такомиллаштириш” махсус тажрибавий Дастур материалларидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 7 февралдаги “Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги Жамоат кенгаши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 46-сонли буйруғини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 20 августдаги 05–05/02-01-541-сон ҳамда 2020 йил 6 июлдаги 06-06/4-2231-сон маълумотномалари). Натижада, ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикаси ва коррекцион механизмлари такомиллаштиришган;

ўқувчилар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилиги профилактикасига йўналтирилган диагностикаси методидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 24 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 173-сон буйруғини тайёрлашда ва Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда “Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари ўртасида ҳуқуқбузарлик профилактикасини ташкил этиш ва жиноятчилиكنинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тадбирларини амалга ошириш тўғрисида”ги Меморандумини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарлик профилактикаси Бош бошқармасининг 2018 йил 1 сентябрдаги 26/5-2713-сон маълумотномаси). Натижада, таълим муассасасидаги ўқувчилар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилиги профилактикасининг мониторингини ўтказиш механизми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 4 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шулардан, 5 таси республика, 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, 9 та параграф, умумий ҳулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг асосий матни 132 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, унинг фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги асосланиб,

ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикасининг илмий-назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилигининг олдини олиш долзарб педагогик муаммо эканлиги илмий жиҳатдан асосланилган. Шунингдек, мазкур бобда глобаллашув феномени ижтимоий, сиёсий, маданий муҳитнинг шаклланишида илм-фан ютуқларининг тарқалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизида уйғунлашуви билан бирга, у мафкуравий таъсир воситаси сифатида девиация ҳолати, турли криминал ҳаракатларни келтириб чиқарувчи маънавий таҳдидларнинг пайдо бўлиши, инсоният хавфсизлиги, давлатларнинг миллий манфаатлари, келгуси авлодларнинг барқарор келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарга айланганлиги ҳам эътироф этилади. Мазкур бобда умумий ўрта таълим тизимида таҳсил олаётган ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикасини такомиллаштириш зарурати ижтимоий-педагогик ҳодиса сифатида асосланиб, унда “профилактика”, “диагностика”, “коррекция”, “реабилитация” каби тушунчаларга муаллифлик таърифи келтирилган.

Мазкур бобда муаллиф девиация, деликвентлик, криминал хатти-ҳаракатларнинг ўсмир ва ўспирин ёшидагилар орасида пайдо бўлишининг биологик, иқтисодий, ижтимоий сабабларни ўрганишга муваффақ бўлган ва ушбу ҳолатларга педагогика нуқтаи назаридан тавсиф берган.

Девиация – ижтимоий-педагогик муаммо бўлиб, инсон руҳий оламидаги, унинг атрофидаги муҳитнинг ўзгариш ҳоллари билан боғлиқ бўлган, айрим ўсмир ва илк ўспирин ёшидагиларга хосдир. Бугунги кунда мана шу каби салбий қусурлардан ўқувчиларни фориғ қилишга кўмак берувчи профилактик тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш талаб этиладики, булар негизида ёш авлод ҳар томонлама камол топиб ривожланишига замин яратилишига имконият кенгайди.

Криминал ҳаракатлар – инсонларнинг маънавий оламини, руҳиятини издан чиқаришга қаратилган турли шаклдаги ғоявий, мафкуравий, ахборот хуружлари ва девиант хулқ-атвор кўринишлари.

Умумий ўрта таълим тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар ташкил этилмоқда. Бироқ, ҳуқуқбузарлик профилактикасини бевосита амалга оширувчи идора ва муассасалар фаолиятига, ҳуқуқбузарликлар нисбатан кўп содир этилаётган жойлар (ҳудудлар) ва соҳалар кўрсатилган ҳолда, интерактив хариталарни жорий этишга кенг имкониятлар яратиш, ўқувчилар ҳуқуқбузарликларини олдини олиш механизмларини такомиллаштириш муҳим ва зарурий бўлиб, мамлакатимиз ёшларига бу борадаги давлатимиз сиёсатини, соғлом турмуш тарзини сингдириш муаммоларининг ечимини топишни давр тақозо этмоқда.

Ушбу бобда ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилигининг пайдо бўлиши, ҳулқ оғиши, стресс ва депрессия, психосоматик касалликларнинг келиб чиқиши, суицид ҳолатларининг пайдо бўлиши ва уларнинг олдини олиш учун зарур бўладиган профилактик тизим хусусида фикр баён этилган.

Ҳозирги пайтда республикада халқ таълими тизимида жами 10008 та умумий ўрта таълим мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 6 млн. 100 мингдан ортиқ ўқувчиларга 389 740 нафар ўқитувчилар томонидан таълим-тарбия берилмоқда. Мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар, 10 миллион 360 минг нафарни, ёки, умумий аҳолининг тахминан – 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса – 17 миллион 80 минг нафарни, ёки 64 фоизини ташкил этади.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, улар орасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада педагогик профилактика тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқий таълимни яратиш ва уни ёш авлодга ўқитиш ҳамда ўрганиш бўйича оптимал назарий, илмий ва услубий асосларни ишлаб чиқиш эҳтиёжи мавжуд.

Ўқувчи шахсининг ўқув фаолиятидаги камчиликлари қуйидагилардан иборат: ақлий фаолият усулларида кенг фойдалана билмаслик, энг муҳим билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдаги узилишлар, ўқув маскани фаолиятидаги педагогик қаровсизлик, ўқитишдаги нуқсонлар, тарбиявий чора ва тадбирларнинг хатолари.

Ўқув муассасасидан ташқари муҳитнинг таъсири натижасида вужудга келадиган нуқсонлар, чунончи, оилавий низолар, ажралиш, ота-онанинг ичкиликка ва шахвоний ҳаётга берилиши, балоғатга етмаган тенгқурларининг таъсири ҳамда жамоатчилик қуршовидаги камчиликлар ҳам тарбияси қийин ёшларнинг кўпайишига сабаб бўлади.

Тадқиқот доирасидаги адабиётлар таҳлили натижасида шахснинг салбий хусусиятларини келтириб чиқарувчи сабаблар қуйидагича туркумланди:

1. Шахснинг руҳий камолотидаги нуқсонлар: ақлнинг ожизлиги, ироданинг заифлиги, зарур эҳтиёж ва қизиқишларнинг шаклланмаганлиги, ўспириндаги интилиш билан имкониятларнинг номутаносиблиги, шахсда ҳиссиётнинг суст ривожланганлиги ва бошқалар.

2. Шахснинг тарбиясидаги нуқсонлар: ахлоқий хислатларида учрайдиган камчиликлар, ўқувчиларнинг ўқитувчи, гуруҳ жамоаси ва оила аъзолари билан мулоқотидаги заифликлар, меҳнат тарбиясидаги нуқсонлар, ахлоқий тарбиясидаги камчиликлар, бўш вақтни тақсимлашдаги хатолар, салбий хатти-ҳаракат юритувчи гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш.

3. Олдинги таълим босқичларида йўл қўйилган камчиликлар: таълим жараёнида билимлар ва хатти-ҳаракатларни адолатсиз баҳоланиши, билимлар, махсус кўникмалар ва малакаларни эгаллашдаги узилишлар, таълим жараёнида ақлий меҳнат усуллари ва операцияларининг етишмаслиги.

4. Таълим муассасаси тарбиявий ишларидаги камчиликлар (ўқитувчининг ўқувчига нисбатан хайрихоҳ эмаслиги, эмпатия ҳисларининг мавжуд эмаслиги, ёшларнинг яққаланиши, ёшлар жамоасидаги нуқсонлар, педагогик қаровсизлик ва ҳ.к.).

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, уни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими.


Умумий ўрта таълим мактабларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари: ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси.

Умумий ўрта таълим мактабларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: қонунийлик, инсонпарварлик, тизимлилик, ишонтириш усулининг устуворлиги, таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашиш ва бошқалар.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик профилактикасининг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланиб, унда ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилигини олдини олишда оила, ўқув муассасаси ва жамоатчилик ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда тадқиқот доирасидаги профилактик тадбирларнинг шарт-шароитларини такомиллаштириш масалалари ўз ифодасини топган.

Ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилигининг олдини олишда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун республикамизда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ёки уни содир этган вояга етмаганлар (деликвент хулқли), оғир тарбияли, муаммоли ўсмир ёшидаги (адектив хулқли)лар билан ишлаш, уларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш тизимининг самарали фаолиятини ташкил қилиш лозим.

Шунингдек, II бобда “Синф соат”ларида ўқувчиларда соғлом фикрлаш, тиббий маданият, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, дарсларга жиддий тайёрланиб келиш, бўш вақтларида тўғарақларга қатнашиш ва китобхонликни тарғиб қилиш тизими ҳақида маълумот берилган (1-расм).



1-расм. Ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикаси бўйича ташкил қилинаётган ўқув муассасаларининг синф соатларида мавзуларнинг тақсимланиши

Биринчи расмда ифодаланганидек, ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикасини такомиллаштиришга мўлжаллаб, умумий ўрта таълим мактабларида тарбиявий (Синф) соатларнинг ўтказилиши такомил талаб масалалар сирасига киради. Хусусан, ўқувчиларнинг оилавий шароитини ўрганиш ва ота-онасига педагогик-психологик ёрдам кўрсатиш; ўқувчининг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда тўғарақларга жалб қилиш; ўқувчини таълим муассасаси ва синф миқёсида ўтказиладиган турли маданий-маърифий тadbirlарга мунтазам равишда жалб қилиш; ўқувчининг бўш ўзлаштираётган фанлар бўйича фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб бориш, фан ўқитувчисига дарсларда ушбу ўқувчини фаоллаштириш юзасидан керакли тавсиялар бериш; ўқувчиларнинг дарсларга тўлиқ ўқув қуроллари билан иштирок этиши ва давоматини, шунингдек одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишини кунлик назорат қилиб бориш; ўқувчилар мактабга келмай қолган ҳолатда зудлик билан шу куннинг ўзида (*соат 10:00 гача*) уларнинг ота-оналари билан телефон орқали боғланиб, вазиятга ойдинлик киритиш, ота-онаси билан боғланиш имкони бўлмаганда, таълим муассасаси раҳбариятини огоҳлантириш кабилар муаллиф томонидан ишлаб чиқилган профилактик тadbirlар тизимидан ўрин эгаллаган.

Тadқиқот доирасида 2016-2017, 2017-2018, 2018-2019 ўқув йилларида республикамизнинг Тошкент, Сирдарё, Навоий, Жиззах, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган, Қорақалпоғистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка мойил ўқувчиларни диагностика ва коррекциялашнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш мақсадида махсус анкета саволлари ишлаб чиқилди ва ўқув муассасаларига тарқатилди. Анкета саволларига 6 020 нафар ўқувчилар жавоб

беришди. Таҳлиллардан маълум бўлдики, вояга етмаган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчи хулқидаги асосий нуқсонларни ёлғончилик, сурбетлик, жанжалкашлик, агрессивлик ташкил қилади.

Бу каби иллатларни коррекциялаш учун қуйидаги **профилактик йўналишлар** белгиланди: педагогик муаммонинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш; таъсир кучини ўтказадиган профилактик тадбирлар методикаси билан мактаб ўқитувчилари, ота-оналарни таништириш; гуруҳ жамоасида ўқитувчи ва ўқувчи орасида бир-бирига ҳурмат муҳитини вужудга келтириш; оилада соғлом муҳитни вужудга келтириш учун ота-оналар билан ҳам педагогик маслаҳатларни олиб бориш ва бошқалар.


1-жадвал.

“Педагогик эътиборсизлик”нинг профилактикаси

<i>Мулоқотни бошқариш методикаси</i>	<i>Хулқ-атворни бошқариш методикаси</i>	<i>Ўқувчининг қобилиятларини ривожлантириш</i>	<i>Фаолиятни фаоллаштириш методикаси</i>
Тенгдошлари олдида ўсмир нуфузини кўтариш	Хулқ-атворда индивидуал тажрибани шакллантириш	Ривожланишдаги нуқсонларни бартараф этиш	Фаолликни ўстириш, мотивацияни вужудга келтириш, мустақил хатти-ҳаракат қилишга ундаш

Ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилигининг олдини олишда мактабда ўқитиладиган “Ўзбек адабиёти”, “Ўзбекистон тарихи”, ижтимоий-гуманитар фанлар: “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Тарбия” каби фанлар ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлик савиясининг ўсишига, дунёқарашини шакллантиришга, дидактик жараёнда ўқувчиларнинг таълим ва билимларга бўлган иштиёқини кучайтиришга, мустақил дунёқараш, иш юритиш, миллий ифтихор ва умуминсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришга хизмат қилишига эътибор қаратилиб, тажрибавий дарсларда махсус методика асосида таълим жараёнини ташкил этишга эришилди.

Тадқиқот натижалари асосида ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикасини такомиллаштириш модели ва унинг кластерли тузилмаси ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. Ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикасининг такомиллаштирилган модели

Иккинчи расмда ифодаланган модель таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ҳуқуқий савиясини ўстириш, дунёқарашини шакллантириш, ахлоқий тушунчаларни тўғри баҳолаш, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиёти муаммоларига онгли муносабатда бўлишга ўргатишнинг амалий-технологик тизимини ташкил қилади ва устувор йўналишлари

мазмунни билан ўзаро алоқадорлигини таъминлашга қаратилган интеграциялашган ижтимоий-таълим муҳитини ифодалайди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилигини олдини олишга йўналтирилган тажриба-тадқиқот ишларининг самарадорлик даражаси”** деб номланиб, унда ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикасининг такомиллаштирилган моделини амалиётга татбиқ қилиш натижасида қўлга киритилган ютуқлар хусусида фикр баён этилган.

Тадқиқот доирасида ҳамда ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилигининг профилактикасини ўрганиш, ечимини топиш ва бу борада тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида **“Ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилигининг профилактикаси”** номли махсус Дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Махсус Дастур ва олиб борилган сўровнома натижаларидан Сирдарё вилоятининг **“Бахт”** махсус ўғил болалар коллежи тарбияланувчиларининг ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишларига сабаб бўлган ҳолатлар аниқланди. Респондентларнинг жинси ва ёши ҳақидаги дастурдаги саволлар сўровноманинг ижтимоий-демографик қисмига жавоб беришга мўлжалланди.

Сўровномада қатнашган жами 71 нафар тарбияланувчиларнинг 40% ўртоқлари билан бўш вақтларида кўнгилочарликни биринчи ўринга қўйганликларини, 20% ўзидан ёши катта криминал хулқ-атворли шахсларнинг таъсирига тушганликларини, 59,8% ота-оналарида негатив ҳолатлар (спиртли ичимликлар ичиш, сигарет ва бошқа гиёҳванд моддалар истеъмол қилганлигини) кўрсатиб ўтишди. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка мойил ўқувчиларнинг 47% бўш вақтида дискотека, жангари ўйинлар ўйнаш учун интернет-кафеларга ташриф қилишни ёқтиришини кўрсатиб ўтишган. Куннинг кечки пайти, соат 10.00 дан сўнг 11% тарбияланувчи кўчада вақтини бекорчилик билан ўтказганликларини қайд этишган. Вояга етмаганларнинг 61 фоизи нотўлиқ оилада, 15 фоизи тўлиқ оилаларда, 10 фоизи бобо ва бувиси билан яшашини қайд этишган. 12 фоизи эса, ота-оналари бошқа мамлакатларда ишлашларини, шу сабабли қаровсиз қолиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этганликларини тан олишди. 2% фоиз болалар юқоридаги саволларга жавоб бера олмадилар, чунки улар ёзишни ҳам, ўқишни ҳам билишмайди, ақлий ривожланиши жиҳатидан тенгдошларидан ортда қолган (тиббиёт ходими маълумотномаси мавжуд). Сўровнома якунида сўровномада қатнашган мутасаддилар қуйидаги махсус бланкаларни шакллантиришлари талаб этилди ва бу тарбияланувчиларнинг ҳулқидаги нуқсонларни бартараф этиш, вояга етмаган ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва улар билан ишлашда профилактик механизмларни такомиллаштириш учун ишлаб чиқилган методикага хизмат қилди.

Сўровнома таҳлиллари натижаларига кўра, вояга етмаган ёшларнинг жиноят содир этишига асосий сабаблардан қуйидагилар бугунги кунда етакчилик қилиши аниқланди: оиладаги иқтисодий танглик, ҳаётий

кўрсатмаларнинг мавжуд эмаслиги ва ижтимоий-криминал алоқалар, ҳаётдан умидсиз бўлиш, уларга ота-оналарининг меҳрибонлиги етишмаслиги, кам эътибор берилиши, вояга етмаганлар вақтни тўғри тақсимлай олиш қобилиятига эга эмасликлари, бўш вақтнинг ҳаддан зиёдлиги, спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиши, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланганлик даражаси қониқарсиз аҳволда эканлиги, вояга етмаган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларнинг шахсидаги ахлоқий таназзул юз берганлиги ва бошқалар.

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, ўсмир ва ўспирин ёшидаги ўқувчилар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва улар ҳуқуқдаги нуқсонларни коррекциялашда махсус методикалардан мунтазам фойдаланиш зарурати мавжуд.

